



27 ноябр куни Париждаги «Чегара билмас мухбирлар» халқаро ташкилоти ўзининг 2013 йилги мукофоти Ўзбекистонлик журналист, «Эрк» газетаси муҳаррири, 15 йилдан буён қамокда ётган 60 ёшли Муҳаммад Бекжонга беришга қарор қилди.

Мукофотни унинг номидан ўзбекистонлик ҳуқуқ фаоли Надежда Атаева қабул қилиб олди.

Мазкур мукофот 1992 йилда таъсис этилган ва сўз эркинлиги учун курашда қўшган ҳиссаси учун ҳар йили бир журналист ва бир нашрга берилади.

Муҳаммад Бекжон муҳолифатдаги «Эрк» партиясининг расмий нашри бўлмиш «Эрк» газетасига муҳаррирлик қилган. 1999 йил 16 феврал Тошкент портлашларига алоқадорликда айбланган ва 15 йилга озодликдан маҳрум этилган.

Терговда М.Бекжонга нисбатан қийноқлар қўлланган, аммо у ўзига қарши қўйилган айбларнинг бирор-тасини тан олмаган.

Муҳаммад Бекжон муҳолифатдаги Ўзбекистон Халқ Ҳаракати ва «Эрк» партиясининг лидери Муҳаммад Солиҳнинг укаси.

Унинг қамокқа олиниши айнан акасининг Ўзбекистон президентига сиёсий рақиб бўлгани билан боғланади. М.Бекжон билан бирга М.Солиҳнинг бошқа укалари ҳам қамокқа олинган эди.

Маҳкамада Муҳаммад Бекжонга қарши Ўзбекистон ЖКнинг бир қатор моддалари бўйича айблов қўйилган:

158-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш;

«ЧЕГАРА БИЛМАС МУХБИРЛАР»НИНГ ЙИЛЛИК МУКОФОТИ МУҲАММАД БЕКЖОНГА БЕРИЛДИ

159-модда. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилиш;

216-модда. Жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни қонунга хилоф равишда тузиш;

223-модда. Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш;

227-модда. Хужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларни, автомобилотранспорт воситаларининг ва улар тиркамаларининг (ярим тиркамаларининг) давлат рақам белгиларини эгаллаш, нобуд қилиш, уларга шикаст етказиш ёки уларни яшириш;

228-модда. Хужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш;

242-модда. Жиноий уюшма ташкил этиш.

Маҳкама уни 15 йилга озодликдан маҳрум қилган. 2003 йилда унга нисбатан амнистия қўлланиб, жазо муддати 3 йилга қамайтирилган, ва у 2012 йилнинг февралда чиқиши керак эди.

Аммо 2012 йилнинг 25 январида Қашқадарёнинг Косон туманидаги қамокхонада уюштирилган маҳкамада Муҳаммад Бекжонни «ички тартибни бузган» деган айблов билан яна 5 йиллик жазога ҳукм қилишган.

Ҳозирда М.Бекжон Навоийдаги Зарафшон қамокхонасида сақланмоқда. Шу йилнинг март ойи-

да уни бориб кўрган рафикаси Нина Бекжон турмуш ўртоғининг соғлиғи ўта ёмонлашгани ва унга жаррохлик амалиёти зарурлигини айтган эди.

«Чегара билмас мухбирлар»нинг мукофот маросимида Муҳаммад Бекжон номидан мукофотни қабул қилиб олган Надежда Атаева жумладан шундай деган: «Репрессив тизим Муҳаммад Бекжон саломатлигига зарар етказиш билан ўз фикрини очиқ баён этмоқчи бўлган барчани кўрkitмоқчи.

Муҳаммад Бекжон барча синовларга қарши сабот билан туриб

келмоқда.

Уни «Чегара билмас мухбирлар»нинг нуфузли мукофоти билан тақдирлаш — биргина унга, унинг яқинларига ва «ЭРК» газетаси ўқувчиларига билдирилган маънавий дастаккина эмас.

М.Бекжон иши шуни англатадики, бугун сўз эркинлиги хавф остида ва халқаро ҳамжамиятнинг қўлловига муҳтождир».

Шу билан бирга, Надежда Атаева Ўзбекистон қамокхоналарида ётган бир қатор журналистларни ҳам эслаб ўтди:

Юсуф Рўзимуродов, «Эрк» газетаси муҳбири. 15 йилга қамалган;

Дилмурод Саид, мустақил журналист. 12.5 йилга қамалган. оғир туберкулёз хасталигига чалинган.

Ғайрат Михлибоев, «Хидоят» газетаси муҳбири. 12 йилга қамалган. Терговда қийноқларга солинган;

Солижон Абдурахмонов, «Уз-ньюс.нет» нашри муҳбири. 10 йилга қамалган. С.Абдурахмонов оғир хасталик сабабли ортиқ қамокда қолиши унинг хаёти учун таҳликали.

Бундан ташқари, қамокда қолаётган ўзбек журналистлари орасида «Чемпион» газетаси муҳаррири ва «Наврўз» радиоси муаллифи Хайрулло Ҳамидов, «Ирмок» диний-маърифий журнали муаллифи Равшанбек Вафоев, журналистлар Ботирбек Эшқўзиев, Баҳром Иброҳимов, Даврон Қобилов ва б. бор.



МАМАДАЛИ МАХМУДОВ: ‘МУҲАММАД БЕКЖОН ВАТАНГА ХИЁНАТ ҚИЛМАГАН’

камаш ҳақида юқоридан кўрсатма борлигини айтишган.

«Ўша терговчилар ҳозир тан оладими, йўқми, аммо уларнинг сўзлари менинг хотирамда муҳрланиб қолган. Бунини Муҳаммад Бекжон ҳам эшитган», — дейди Мамадали Махмудов Би-би-си билан суҳбатда. Унинг ишонишича, 59 ёшли Муҳаммад Бекжон фақат акаси, мухолифат раҳбари Муҳаммад Солиҳнинг сиёсий фаолияти туфайлигина қамоқда ўтирибди.

«Муҳаммад Бекжон ҳеч қачон ватанга хиёнат қилмаган, у душманларига ҳам озор бермайдиган, тоза хулқ-атворли одам», — дейди Мамадали Махмудов.

Чоршанба куни Париждаги «Чегара билмас мухбирлар» ташкилоти Бекжонни матбуот эркинлиги соҳасидаги йиллик мукофоти билан тақдирлаган.

Мамадали Махмудовга кўра, соғлиги ёмонлашган Муҳаммад Бекжонни озод қилиш-қилмаслик Ўзбекистон ҳукуматига боғлиқ.

«Муҳаммад Бекжон қамоқдан чиқарилса, Ўзбекистонга фақат фойда бўлади», — дейди умрининг қарийб 17 йилини қамоқда ўтказган адиб. Аввалроқ Нью-Йоркдаги Журналистларни ҳимоя қилиш қўмитаси Муҳаммад Бекжоннинг соғлиги ёмонлашганини айтиб, Ўзбекистон ҳукуматини уни зудлик билан озод этишга чақирганди.

2012 йил январда жазо муддати ниҳоясига етиши арафасида ўзбек маҳкамаси Бекжонни қамоқхона тартибини бузганликда айблаб, унинг жазо муддатини яна беш йилга узайтирган.

bbc.co.uk

Таниқли адиб ва собиқ сиёсий маҳбус Мамадали Махмудовнинг айтишича, Тошкент портлашларида айбланиб қамалган Муҳаммад Бекжон ва бошқаларнинг айбсизлигини расмийларнинг ўзлари ҳам эътироф этишган.

1999 йилда айна айбловлар билан 14 йиллик қамоқ жазосига маҳкум этилиб, шу йил апрелида озод қилинган ёзувчининг хотирлашича, Тоштурмадаги тергов жараёнида терговчилар унинг ўзи, Муҳаммад Бекжон ва қамоқда қолаётган яна бир «Эрк» фаоли Юсуф Рўзимуродовнинг айбсиз эканликлари, аммо уларни



Ушбу жараённи Ozodlikнинг янги LIVE BLOGи орқали кузатинг!!!!

29 ноябрь. Гулнора Каримова: Синглим менга қарши таҳдид қилувчилар гуруҳини ёллади!

Каримова хонимнинг Instagram орқали ёзишича, онаси билан синглиси унга қарши ҳаракатларини давом эттираяпти. Гулнора синглиси Лола Каримова-Тиллаеванинг таҳдид қилувчилар гуруҳини ёллагани ҳақида ҳам ёзди.

Бугун Дилшод исмли йигит Гул-

Афсуски, ҳасад одамлар ва оилани шу тарзда вайрон қилади", деб ёзди Каримова. 28 ноябрь. Гулнора Каримова: Шамолга қарши курашиб чарчадим! Twitterдан Instagramга кўчган Гулнора Каримова “Шамолга қарши курашиб, ҳаракат қилишдан чарчадим”, дея ёзди. Шунингдек, Гулнора синглиси Лола Каримова-Тиллаеванинг Америкадаги ҳашаматли саройини ҳам тилга олди.

Гулнора ўз шаънига мақтовлар ёғдириб, ундан кўнгил сўраганларга

ГУЛНОРА КАРИМОВА: СИНГЛИМ МЕНГА ҚАРШИ ТАҲДИД ҚИЛУВЧИЛАР ГУРУҲИНИ ЁЛЛАГАН!

Гулнора Каримова “жанг майдони”ни Twitterдан Instagramга кўчирган кўринади. 26 ноябрь куни тунда Instagramда пайдо бўлган Гулнора аста-секин ўз саҳифасида “жонлана” бошлади.

20 октябрдан бошлаб “сиқув”га олина бошлаган президентнинг тўнғичи Гулнора Каримованинг деярли барча бизнес объектларида тафтиш ишлари давом этмоқда.

Шу пайтгача “ўзи хон, кўланкаси майдон” бўлиб келган Каримова хоним барча теле- радиоканаллари, кафе- ресторанилари ёпилиб, назоратида бўлган бошқа бизнес тармоқлари ҳам “фалажланган” бир пайтда ўзининг ягона “юпанчи” сифатида ижтимоий тармоқлардан фойдаланмоқда.

Ушбу тармоқларда шов-шувга сабаб бўладиган маълумотларни ҳам “ошкор” қилишдан тўхтамаяпти.

Каримованинг Instagramдаги саҳифаси орқали унга мурожаат қилиб, “Гулнора, мени бир нарса хайратга солади. Нимага сизга ҳеч ким ёрдам бермайди? Ижтимоий тармоқлардаги мухлисларингиз эмас, айнан сизнинг оилангизда ҳамма сукут сақлаяпти?.. Агар оилангиз истаса, йўқотганларингизни бир кунда қайтаришлари мумкин”, деб сўради.

Бунга жавобан Каримова “Менга қариндошларим- аёллар зарар етказмаслигининг ўзи бахт! Улар жим ўтирмаяпти! Ҳозир ҳатто синглим таҳдидли ва даҳшатли картинкалар орқали зарар етказувчилар гуруҳини ёллаган..

жавобан “Шамолга қарши курашиб, ҳаракат қилишдан чарчадим. Бу шамолни пул ва мутлоқ назорат муҳим бўлганлар яратаяпти... бошқа ҳеч ким қолмади”, дея ёзди. “Тошкентдан Америкага кўчаётганингиз ростми”, деб сўраган tg_nurik саволига жавоб берар экан Гулнора Тошкентдан кетиш-кетмаслигини очиқламади. Лекин у синглиси Лола Каримова-Тиллаевадан сўз очди. “У ерга (Американи назарда тутаяпти. тахр) яқинда синглим кўчиб ўтди. Beverly Hillsдаги энг зўр La Palace саройи.. бизни адаштиришади”, деди Гулнора.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

26 ноябрь. Якшанба куни тунда Twitterдан ғойиб бўлган Гулнора Каримова орадан уч куни ўтиб Instagramдаги саҳифасида пайдо бўлди.

Уч кун давомида ҳеч бир жойда кўриниш бермаган Гулнора Каримова кеча тунда Instagramдаги саҳифасида ўз суратларини эълон қилди.

Суратлар қаерда олингани ёзилмаган. Биринчи эълон қилинган суратдаги манзара Тошкент кўчаларига жуда ўхшаш жой эканини илғаш мумкин.

Гулноранинг суратига илова қилган узук-юлук гапларидан маълум бўлишича, зарурат туфайли Твиттердан кетишга мажбур бўлган.

Ўз қўлловчиларига миннатдорчилик билдирган Гулнора "Келажак

Хатларимизни ҳам олишмаяпти! Умуман алоқага чиқиш йўқ", дея твитлади Каримова.

22 ноябрь. Каримова Твиттерда яна "ўчди"

Пайшанба куни туш пайти "ғойиб" бўлиб, жума куни кечкурун қайта пайдо бўлган Гулнора Каримованинг Twitterдаги @GulnaraKarimova akkaунти ушбу тунда яна ёпилди.

Каримова саҳифаси қайта очилганидан икки соат ўтиб, твит мулоқотини бошлади.

«Мен Твиттерда озгина муддат бўлмадим, лекин аллақачон бир қанча каламушлар пайдо бўлдики, «кичкина ғалаба»сидан хураяпти!", дея твитлар "ёмғирини ёғдира бошлади".

Гулнора твитлари орқали онасига мурожаат қилиб, «Онажон! Мен билманки, сен менинг ёзганларимни

ГУЛНОРА КАРИМОВА: СИНГЛИМ МЕНГА ҚАРШИ ТАҲДИД ҚИЛУВЧИЛАР ГУРУҲИНИ ЁЛЛАГАН!

овози" ҳар доим унинг болалари си-
фатида" қолишини таъкидлади.

Гулнора Каримованинг Twitterдаги "бекинамчоқ ўйини"нинг хронологияси:

24 ноябрь. Ярим тунда Гулнора яна "йўқолди" Twitterда "бекинамчоқ ўйнаётган" Гулнора Каримова 24 ноябрь куни тунда тўртинчи бор "твит майдони"дан ғойиб бўлди. Гулнора бугун тундаги "твит жанги"ни ҳам онасига қарши твитлар билан бошлаганди.

Бир кунлик "танаффус"дан сўнг 23 ноябрь куни кечқурун яна "твит майдони"га қайтган Гулнора Каримова твитларининг "бош қахрамони" шанба куни ҳам онаси бўлди.

Гулноранинг янги твитларидан маълум бўлишича, онаси жияни Акбаралини ўғил ўрнида кўрган.

"Уни ўғлим дерди, у онам билан ҳар куни биздан кўра кўпроқ бирга бўларди. Барча буйруқларини ба-
жарарди. Европа, Исроил, Москва, Туркиядан озиқ-овқат, кийим-ке-
чак, заргарлик буюмлари, усталарни онам учун муҳайё қилган", дея ёзди Каримова. Гулноранинг навбатдаги твитларига кўра, онаси у билан учра-
шишни истамаяпти.

"Мени ҳам, болаларимни ҳам онам яшайдиган уйга киритишмаяпти. Телефонда ҳам гаплашмаяпти... Онам барчага телефонларимизга жа-
воб бермаслик борасида буйруқ бер-
ган!

диккат билан ўқияпсан.. ва нимага бу твиттерни тўхтатиш ва менинг овозимни ўчириш мумкин эмаслигидан жазавага тушаяпсан», дея твитлади.

Онасига аталган йигирмадан зиёд твит ёзган Каримованинг akkaунти 7 соатча фаолиятдан кейин яна ёпилди.

Бу GK Twitter саҳифасининг учинчи бор "йўқолиши"дир.

21 ноябрь. Гулнора Твиттердан ғойиб бўлди

21 ноябрь кунги "йўқолиши" борасида Озодлик мухбири суҳбатлашган Гулнора Каримова яқинларидан бири, Россия Жамоатчилик палатаси аъзоси, блоггер, Каримова медиа лойиҳаларининг маслаҳатчиси Антон Коробков бу akkaунтнинг ўз тарафдорлари хавфсизлиги учун Каримованинг ўзи томонидан ёпилганини билдирди.

@GulnaraKarimova ёзган сўнгги твит "Менга саволларингиз бўлса, Фонд Форум лентаси ва сайтга ёзинг", деган таклиф бўлганидан Коробковнинг бу гапида жон борлиги кўрилади.

Каримова сўнгги твитадан у бошлаган "мулоқот майдони"нинг Twitterдан Фонд Форум лентаси ва сайтга кўчишини кутиш мумкин.

Аммо ҳозирча Фонд Форум лентаси ва сайтда @GulnaraKarimova твитлари руҳидаги ёзувлар кўрингани йўқ.

ozodlik.org

ЭНГ КАТТА МУСИБАТ...

*Бу дунёда иймон билан
Нурга чўмган бир уммат бор.
Ул умматнинг йўли кенгдир,
Барчасида минг раҳмат бор.
Ҳаётида хотиржамлик,
Ўлимида минг ҳикмат бор.
Рози бўлар тақдирига
Тутар икки энлик хат бор:
Расулulloҳ вафот этди,
Яна қандай мусибат бор?!
Кимдир ўлар, кимдир нафас
олмоқ экан, англаб етдик.*

*Ўзни мангу даъво қила,
Гуристонни манзил этдик.
Олинг, мана, дунёнгизни,
Ҳабибуллоҳ бирла кетдик,
Энди бизга на гўзаллик,
Ва на сокин ҳаловат бор.
Расулulloҳ вафот этди,
Яна қандай мусибат бор?!
Ҳолатингиз кўрдик, маҳзун,
Аслиятга тезроқ қайтинг.
Ажал ўқи аниқ эрур,
Унга боқманг, қулиб «Ҳай» денг,
Дунё остин-устин бўлиб
Кетмайдими, энди айтинг,
Елкамиздан қолиб кетган
Ўлим тутар омонат бор.
Расулulloҳ вафот этди,
Яна қандай мусибат бор?!
Отангиз ҳам, онангиз ҳам,
Бир кун сизни ташилаб кетмиш.*

*Юрақларни тилка-пора
Айлабон, зор гашлаб кетмиш.
Кўзларингиз балки намлаб,
Сўнггигача ёшлаб кетмиш.
Ажал келса, сиз қочувчи
Қандайин бир иморат бор:
Расулulloҳ вафот этди,
Яна қандай мусибат бор?!
Чакки томгай, энди асло
ямаб бўлмас бу уй томин.
Онаси парчаланмиш
Ўрнатмоқ на синган ромин.
Қиёматга қараб йўлин
Тутиб бўлгач соқов замин.
Айтинг, тўсиб қолар қай куч,
Ва қандайин тумонат бор.*

*Расулulloҳ вафот этди,
Яна қандай мусибат бор?!
Барчамизнинг қалбимизда
Дунёга бир муҳаббат бор,
Муҳаббатдан ҳосил бўлган
Разиллик бор, қабоҳат бор.
Охирламиш сўзим менинг,
Хитобимда надомат бор.
Аё, уммат, бу дунёга
Нечун қаттиқ садоқат бор?.
Замин оғир нафас олар,
Унда қандай ҳаловат бор?.
Расулulloҳ вафот этди,
Яна қандай мусибат бор?!
Хайрулло Ҳамидов*

Хайрулло Ҳамидов



(ёки Республика миқёсида ўтказилаётган селектор мажлисидан репортаж)

Туман ҳокимиятига етиб келганимда, ҳокимият ҳовлисига одам тўлган, ҳаммининг юзида ташвиш.

Мирзиёевнинг феълини билганлар ниҳоятда забун ҳолатда. Билмаган, бундай анжуманга биринчи бор келаётганлар эса салгина жонлироқ.

- Қани, киришлар!

Одамлар қушхонага ҳайдалган подадек ўлганининг кунида залга кириб жойлашиша бошлади.

Бу ерга туман ҳокими, ИИБ раҳбарлари, прокуратура, солиқ,

РайОНО, корхоналар раҳбарлари, пахта етиштиришга масъул қилиб тайинланган мутахассислар, фермерлар йиғилган. Минбарга ҳоким, прокурор, милиция бошлиғи чиқишди. Мажлис бошланди. Ёши 35-40 ларда, биққиғина ҳоким ўтирганларга худди жиноятчиларга қарагандай тикилиб турдида.

- Ким келмади? – деди.

У кимдан сўради, билмайсан. Пастдан бир йигитча югуриб бориб унга қандайдир қоғозни узатди. Ҳоким қоғозга қўз югуртирар экан, ёнидаги

- Ҳа, ҳа, ҳамма йиғилди, — деган овозлар эшитилди.

- Бўка!

- Шу ерда.

- Оққўрғон!

- Шу ерда.

Районлар санб чиқилди.

- Бугун пахта етиштириш агротехникаси аҳолини текширамайди.

Кўзларингни очинглар. Пскент!

- Ҳе, онагни... сени! Нима сенга пахта керак эмасми!?

Ё қорнинг тўйиб қолдимми?

- ...

УР КАЛТАК ҲО СУР КАЛТАК

прокурорга бир нарсалар деди.

У бошини лиқиллатиб тасдиқлади.

- Қўзибоев, Шарипов, Маллаевлар эртага фермерлигини топширсин.

Солиқ, текшириб уларга жиноий иш очинг.

Ўтирганлар чурқ этишмайди.

- Та-а-к. Селектор бошланди. Уланглар.

Залда пашша учса билинадиган сукунатни динамикдан чиқаётган шарақ-шуруқ овозлар бузди.

- Ҳамма йиғилдимми? — ҳавода муаллақ овоз янгради.

- Нега тракторларинг ишламайди?

- Ишляпти тракторлар.

- Қанчаси ишляпти? Нега алдайсан, ифлос? Қамокда чиритаман, тшундингми?!

- Соляркадан сал қийналдик.

- Нефтебаза!

- Шу ердан.

- Нима деяпти бу ҳароми? Қани солярка?

- Солярка бор, солярка етарли.

- Прокурор, текшир! Текшир ҳаммасини! Шахсан ўзимга доклад қиласан!..

Жулқунбой 2

- Пахта компанияси тугади. Энди бўғдойларга сув қўяпмиз, - дейди Шодмон ака ва оғир тин олади.

- Ишларингиз анча енгиллашиб қолгандир?, – сўрайман унинг сиқилиб турганини сезсам ҳам.

Шодмон ака ёши 60 ларга бориб қолган, икки ўғи, бир кизи, уч невараси бор, оддий ўзбек деҳқони. Унинг бошидан ўтаётган вокелар Ўзбекистонда ҳар бир деҳқоннинг бошидан ўтаётир десам муболаға бўлмайди. Томчида денгиз акс этгандек, Шодмон аканинг ташвиши ўзбек деҳқонининг ташвиши, хурсандчилиги ўзбек деҳқонининг қувончи.

БИТТА НАЖОТ АЛЛОҲДАН...

Шунинг учун Шодмон акани хурсанд кўрсам, қувонаман, хафа ҳолда кўрсам юракларим ўртаниб кетади.

- Ҳа, энди...

Орага жимлик чўқади. У гапиргиси келмайди. Нимани ҳам гапирсин. Айтадиган гаплар айтилавериби сийқаса чиқиб кетди. Аҳвол эса бадтар бўлса бўлаяптики, ўнланмаяпти. Мана киш эшик қоқиб турибди.

Ўчоқда газ ўлимтикдай липпиллайди. Бу оловда на чой қайнайди, на овқат пишади. Чироқ эса жазман хотиндай истаса келади, истамаса қорасини кўрсатмайди. Юрагинг сиқилганда ҳеч бўлмаса телевизор-пелевизор ҳам кўролмайсан.

Даладаям ишлар чаток. На ойлик

бор, на ваъда берилган бўғдой. Сўрай десанг, фермер думини туттирмайди. Қўйиб қўйган гумаштаси фақат иш сўрайди. Нима еяпсан, нима ичаяпсан, тирикчилик нима бўлаяпти, итга ҳам керак эмас. Худого шукур, 1 гектар жой сотиб олиб картошка эккан эди, мана йиғиб олди. Эрта индин сотса, беш олти танга пул бўлади. Аммо, унинг пулдан ҳали тўланадиган қарзлари анчагина. Ўтган йили бир тракторчи кўчадан ўтаётиб, газ трубабини судраб кетди. Унинг уйига ўрнатилган газ счетчигини ҳам юлиб кетибди. Тракторчи, "Ака, ўзим сизга янги счетчик олиб бераман", деб овун-

тирдию, икки ой ўтиб ҳам олиб бермади. Бу орада маҳалласидаги Собир аканинг ўғли Қодиржон счетчик олиб келди Арзон бўлганлиги учун шуни олиб ўрнатиб қўя қолди. Счетчикни текширишганда маълум бўлдики, у ишламас экан. 2 ярим миллион жарима солиб кетишди. Картошканинг пулини шунга тўлаши керак. Светнинг пулиниям тўлаш керак. Шодмон ака, шуларни ўйлар экан, дастурхондан нон олиб бўлақлайдида, пиёладаги чойга солади. У нонни ивитиби ейди. Чунки оғзида битта ҳам тиш йўқ.

Тиш солдириш эса қиммат. Умуман олганда шунисиям маъқул. Нима, тиши бўлганда суяк кемирармиди? Қозон гўшт кўрмаганига ҳам неча за-

монлар бўлиб кетди. Ўзику майлия, бу невараларга ачинади. Тўйиб овқат емаган невараларнинг боши касалдан чикмайди, ҳаммаси чиллашир. Бола туккан келинларда сут йўқ. Амал тақал қилиб ўсапти шўрликлар.

Тўғри, бир ўғли заводда ишлайди. Аммо унинг ойлиги... ҳаммомга кетганича қайтмаган одамни кутгандай, зориқиб ўтираверсан. Бир бир картошкага бериб қолади. Уни пулга айлантириш учун 15-20 фоизидан кечасан. Бўлмаса, бу ердаги дўконлардан ҳеч нарса ололмайсан.

Далада ишлаганига 150 минг сўм ойлик ёзишади. Бу пулга икки қоп ун олсанг, бўлди, тугайди. Яхшиям хотини бозор ўчар қилиб туради. Бозорда картошка, пиёз, сабзи олиб сотади. Унинг пуллари болларининг сарпоси ю, кийм кечакдан ортмайди. Ҳа, майли, шунисиям шукур. Мана кеча, янги иш топишди. Бўғдойга сув қўйишдан бўшаган вақтларида гўзапоя ўриб сотишяпти. Ҳаннада, бир боғи 700 сўмдан.

Шодмон ака ишдан қочмайди. Қанақа иш бўлсам қилаверади. Фақат, шу оёғи оғригани чатокда. Икки тиззаси яхши буқилмайди. Оғриқ мияга уради. Лекин нима қилсин? Балнисага ётиш ҳам фалон пул. Йўқ, у бунақа чиқим қилолмайди. Чидаб юраверади. Ўзи берган дардни Ўзи олади Аллоҳим. Битта нажот Аллоҳдан...

Эркин Садриев

Туман микёсида ўтказилаётган навбатдаги мажлисда Туман маориф бўлими мудирини Ҳоким буйруқларини бажариш ҳақида гапирар экан,

Фермер хўжаликларидида ўргимчакканага қарши кураш учун мактаб ўқитувчилари сафарбар қилинишини, бу ишга мактаб биология ўқитувчиларини жалб этиш кераклигини, ва иш натижасига кўра ҳар бир ўқитувчига 6 қоп буғдой ва 100 дона сомон пресси берилишини айтир экан, Исоқжонга жон кирди.

Ўқитувчилиги учун бериладиган 550 минг сўм катта оиласининг тирикчилигини таъминлашга етмай турганда, 6 қоп буғдой кўзига катта хазина бўлиб кўринди. Мактаб директори билан гаплашиб 3 та фермернинг ерида ишлаши мумкинлигини, бунинг эвазига бериладиган буғдой ҳам, сомон ҳам уч баробар ортишини келишиб олишди.

Мана ўғлининг велосипедини миниб олганча дарсдан кейин то шомгача дала кезади, пахтага тушган ўргимчакканаларни топади, картада белгилайди, фермерларга еткази.

Тўғри, қийин, кечгача тили осилиб қолади. Аммо 18 қоп буғдой ҳам кам эмас-да.

Шу ҳаёллар билан велосипедни ғизиллатиб кетаётиб, нима бўлди-ю йўл четидаги зовурга тушиб кетди.

Усти боши лой, велосипедни судраб чиқар экан, бир пайтлар ўзи ўқитган Содиқжон келиб қолди.

- Ҳа, домла, тинчликми?
- Э-э, кўрмайсанми, шошилиб кетаётиб зовурга тушиб кетдим.

- Қаерга шошяпсиз?

Исоқжон ўзининг ўргимчакканани тугатиш кампаниясида ишлаётганлигини айтганида, Содиқжон қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди. Ўқитувчисининг бунчалик соддалигидан кулар эди у.

- Домлажон, шунчалик ҳам куюнчак бўладими одам. Унинг устига сизнинг ёшингизда. Исоқжон мана 17 йилдирки ўқитувчилик қилади. Мактабда дарс беришдан ташқари пахта чопиғи-ю терими, яганаси-ю чеканқаси, гўнг ташини ишларига мактаб ўқувчиларини олиб чиқади. Ўтган йили давлат томонидан қурилаётган уйларнинг қурилишларида ҳам ишлашди. Мана энди ўргамчакканага қарши курашиб ётишибди. Ҳокимият томонидан тавсия этилган янги услубларни қўллашяпти. Изофен дорисини ОДНда (дори сепадиган ускуна), сепилса дори баргнинг устига тушади, ўргимчаккана эса бар-

Больницаларга одам сиғмайди.
- Домла, агар ҳоҳласангиз мен сизга телефон номеримни берай, сиз мендан қаерда касаллик борлигини биласиз, тавсияларингизни берасиз. Аммо сиздай домланинг бу аҳволда юриши менга алам қилади. Домла.

Исоқжон уст боши лой, жиққа хўл аҳволда телефонини олди. Телефон ҳам сувга бўкиб ишламай қолган. Мана, пахта терим даври бошланди. Буғдой хирмонда. Энди ўша ваъда қилинган буғдойю сомонни олса...

Аммо директор ўз берган ваъдасини ҳеч эсламайди. нима қилсин? Узи гап бошлади.

ЭЧКИГА ЖОН ҚАЙҒУ — ҚАССОБГА МОЙ ҚАЙҒУ

гнинг орқа томонига уя қуриб, ўша жойда яшайди.

Дори унга етиб бориши учун ялпиздан фойдаланиш тавсия этилади. Ялпиз, 1-дан даладаги ариқлар бўйида сероб, ундан ташқари ялпизнинг тана-сида майда тукчалар бўлиб, улар ялпиз сувга ботириб олинганда изофенни ўзларида тутиб қолади ва ғўзанинг тагидан туриб силкитилса, баргнинг орқасига сочилади. Бу услубнинг аввалги супурги қўллаб ишлатилганлигидан афзаллиги шундайгина билиниб турибди. Чунки дорига ботирилган супургидан суюқлик оқиб кетади ва барг ортига етиб бормади.

Шуларни ўйлар экан, Исоқжон ўз ўзидан деҳқончасига фикр юритаётганлигини сезиб қолади. Аммо изофен қургур захар бўлса, уни сепиб юрган одамлар, айниқса болаларнинг аҳволи нима бўлади? Бу масала ҳеч кимни қизиқтирмади. Туманда сариқ касал эпидемия бўлиб кетди.

- Мен сизга ваъда бермаганман. Рай-ОНОнинг мудирининг гапи бу. Энди-и, қўйинг Исоқжон, бу гапни кўтарангиз сизни ҳам мени ҳам ишдан бўшатиб юборишади...

Исоқжонга алам қилди. Алам қилади-да. Ёзи билан ўзини ўтга чўққа уриб зовурларга тушиб кетиб, бир аҳволда қилган меҳнатлари чип-пакка чиқди. Энди яна эски тос, эски ҳаммом. 400 минг сўмдан пахта заводидан ғўзапўчоқ сотиб олади молларига. Буғдой йўқ. Тирикчилик ҳам йўлга тушмайди. Энди яна бир касби сувоқчилик қилмаса бўлмайди.

Бошини қайси тошга урсин? Эчкига жон қайғу-қассобга мой қайғу. РайОНО мудирини ҳам, мактаб директори ҳам ўз креслоси ташвишида.

Содиқжонга ўхшаганлар эса тирикчилик ташвишида. Кун ўтарга яшаб юришибди.

Олдинда эса ёруғлик кўринмайди.

Эркин Садриев

Бу ажойиб фикрни ўқиган бўлсангиз, тушунгандирсиз. Чунки фикр тушунарли. Йўқ нарсанинг бўшлиқдаги хаотик, яъни тартибсиз ҳаракати тўғрисида гап кетаяпти. Тушунилмади тушунгандирсиз, аммо тасаввур қилишга келганда....

Тасаввур йўқ.

Чунки тасаввур қилиш элементлари йўқ. Йўқ нарсанинг тасаввурини ҳам бўлмайди. Айниқса, унинг

Тоғларимиздан ковлаб олинаятган олтинлар, ер қаридан фонтан бўлиб отилиб ётган нефтлар, вош-шиллаб чиқаётган газлар, тонна-тонна буғдою, пахталарнинг халқимизни нақадар бой-бадавлат қилиб юборганини кўргандан кейин шундай хулоса чиқардим.

Буниси ҳали ҳолва, айниқса бизни келажакда кути-и-иб турган "Буюк давлат"ни ўйласам, ўрислар айтгандек

сўраб бўлмайди. Бошқалардан сўрасанг...

Ўзбекистон аҳолиси, тахминий статистикага кўра, Ўзбекистон аҳолиси 30 миллиондан ошиқ. Ундан 700 минг мелиса. Ҳар бир мелиса бўлимида ўртача 10 тадан "қулоқ" бор. Агар кўпайтириш, қўшиш, бўлиш, айириш амалларини бажарсақ, Ўзбекистонда 7 миллион "қулоқ", 700 минг мелиса борлиги аниқланади.

Энди 5 миллион гастербайтерларни, улар билан бирга кетганлар бола чақасини яна 5 миллион десак, юрда қолган 20 миллион одамнинг 30 фоизи халқнинг гапю, ҳаракатини кузатиб турибди.

Ҳар икки кишига бир пойлоқчи!

Ана энди тушунгандирсиз, менинг ўз-ўзим билан гаплашиш-ш-ш-ш, тш-ш-ш! Сабабимни?!

Ҳар куни эрталаб туриб, йўқ нарсанинг бўшлиқдаги ҳаракати тўғрисида куйлай бошлайман:

Серқуёш ҳу-у-ур ўлка-а-а.

Элга-а-а бахт нажот...

Эркин Садриев

ЙЎҚ НАРСАНИНГ БЎШЛИҚДАГИ ХАОТИК ҲАРАКАТИ

бўшлиқдаги ҳаракатини!

Ғалчалигим учун узр! Бошқача йўл тутолмадим. Мустақилликнинг бахт элчиси бўлмиш "Ҳумо" қушининг қилган ишларини кўриб, ушбу фикрни туғдим.

Оббо, мен эркакманку, нима деяпман ўзи. Эркак ҳам туғадими?! Ҳа, бўлари бўлди, йўқ нарса бўшлиқда хаотик ҳаракат ҳам қилади, эркак ҳам туғади, "Ҳумо қуши" ҳам бахт келтиради.

"Штаны полное счастье" яъни бахтим тўкилиб кетмаслиги учун иштонининг почасига жияк тақиб, бойлаб олишимга тўғри келади. Ўзбекистонда «хизмат» кўрсатган, Ўзбекистон «халқ» артистлари, шоирлари, арбобларнинг тўлиб тошиб, юртимиздаги бахт-саодатни қуйлашларини кўриб туриб, мен ношукур банда шундай бахтли замонда нималардан нолиб юрибман, деб сўрайман ўзимдан ўзим.

Ўзимдан сўрайман, бошқалардан



Ўзбекистон президентининг кенжа қизи Лола Каримова-Тиллаева Швейцария бойлари рўйхатида 12-ўринни эгаллади. "Билан" журнали эълон қилган бойлар рўйхатида Ўзбекистон президентининг кенжаси Қозоғистон президенти қизи Динара Қулибоевадан тўрт поғона паст-

Америка кўчмас мулк бозоридаги энг қиммат қасрнинг янги эгаси Лола Каримова-Тиллаеванинг Женевада ҳам ҳашаматли ҳовлиси бор.

2010 йилда Женева кўли соҳилида у 41 миллион АҚШ долларига қаср сотиб олган.

Лола Каримова-Тиллаева Швейцариянинг бойлар рўйхатида илк бор киритилмоқда.

Ҳозирда Лола Каримова-Тиллаева Ўзбекистоннинг ЮНЕСКОдаги ваколатхонаси раҳбари ҳисобланади.

Унинг турмуш ўртоғи Темур Тиллаев Ўзбекистонга хориждан келтирилмаган истеъмол моллари импортини назорат қилиши айтилади.

Икки ой аввал Би-Би-Си Ўзбек хизмати саволларига жавоб берган Лола-Каримова Тиллаева "Билан" журналини бойликлари ҳақида

қолганмиз", - деб айтган Каримова.

Бундан аввал Швейцариянинг бойлари рўйхатида Лоланинг опаси Гулнора Каримова юқори поғоналарда бўлиб келган.

Бу йилги рўйхатда Гулнора Каримованинг номи келтирилмаган.

2008-2013 йиллар оралиғида Ўзбекистоннинг Женевадаги БМТ ваколатхонаси раҳбари лавозимида бўлган Гулнора Каримова Швейцарияда истиқомат қилувчи бадавлат аёллар орасида 600 миллион америка долларига тенг бойлиги билан саккизинчи ўринда бўлиб келган.

Швейцарияда ноқонуний пулларни ювиш билан боғлиқ жиноят иши доирасида олиб борилаётган терговлар ортидан Каримова хоним Женевадаги БМТ ваколатхонаси ва бошқа халқаро ташкилотлардаги ваколатини тугатди.

ЛОЛА ҚАРИМОВА ШВЕЙЦАРИЯ БОЙЛАРИ РЎЙХАТИДА

дадир. Қулибоева ушбу рўйхатда 8-ўринни эгаллади.

"Билан" журнали чоп этган ҳисоботда Каримова-Тиллаеванинг бойлиги 100-200 миллион швейцария франки атрофида экани айтилади.

Ўзбекистон президентининг кенжа қизи Лола Каримова-Тиллаева ўтган йили Лос Анжелеснинг энг ҳашаматли Бел Эйр маҳалласидан рекорд нарх – 58 миллион АҚШ долларига қаср сотиб олгани хабар қилинган эди.

бўрттирилган маълумот беришда айблаган эди.

- Бизнинг бойлигимиз қандай ҳисоб-китобларга асосланиб баҳоланганини мен билмайман.

Айни масалада бизнинг Женевадаги адвокатимиз «Билан» нашрига мактуб йўллаб, бу кўрсаткичлар ҳақиқатдан ийроқ эканини айтган.

Биз ўзимиз ҳам бизни Швейцариядаги бойларнинг қайси қаторига қўйишгаётганларини кўриб ҳайрон

Айни пайтда "Билан" журнали эълон қилган бу йилги Швейцария бойлари рўйхатида Қозоғистон президентининг қизи Динара Қулибаева 8 ўринни эгаллади.

Марказий Осиёнинг энг бой аёли сифатида кўриладиган Динара Қулибаеванинг бойлиги «Билан» журналига кўра, 1 ярим миллиард швейцария франкига яқиндир.

ozodlik.org

БМТнинг Қийноқларга қарши қўмитаси Ўзбекистон ҳукуматини мамлакат қамоқхоналаридаги "мунтазамлик касб этган қийноқлар"га чек қўйишга чақирди.

Қўмитанинг жума куни эълон қилинган ҳисоботида "Ўзбекистон қамоқхоналари ва ҳибсхоналарида қийноқ қўлланиши анча кенг тарқалган ва одатий кўриниш" экани урғуланган.

Унда Ўзбекистонда ҳибсга олинганлардан иқдорлик кўрсатмаси олиш мақсадида улар калтакланиши ва зўрланишига оид кўплаб ва тўхтовсиз келаётган аризалар тушаётганини айтилади. Қўмитага келиб тушган бу аризаларга мувофиқ, айрим пайтларда қўлга олинганлар қийноқ туфайли жон таслим қилганлар.

"Ўзбекистон қийноқ амалиёти бўйича, шубҳасиз, қийноқлар мунтазам равишда ва баъзан ўта мудҳиш кўринишда амалга оширилаётган мамлакатлардан бири бўлиб ҳисобланади", деган БМТ қўмитаси эксперти Георгий Тугуши ўзбек ҳукумати қийноқлар билан боғлиқ муаммоларнинг биронтасини тан олишга хоҳиш билдирмаётганликда айблади.

Ўзбекистондаги қийноқ курбонларининг аксарияти диний-сиёсий айбловлар билан камалганлардир.

Ўзбекистон президенти Ислам Каримов ўтган йили қийноқларни тақиқловчи қонунга имзо чеккан эди.

БМТнинг Қийноқларга қарши қўмитасининг 10 нафар мустақил экспертдан иборат ҳайъати Ўзбекистон

га уринган ва халқаро ноҳукумат ташкилотларини Ўзбекистон борасида бир тарафлама, ноҳолис ахборот тарқатаётганликда айблаган эди.

Саидов БМТ қўмиталари томонидан берилган тавсиялар Ўзбекистон ҳукумати томонидан мунтазам амалга оширилаётгани ва бу борада қабул қилинган миллий дастур амалда ўз самарасини бераётганини айтганди.

БМТ ҚЎМИТАСИ ЎЗБЕКИСТОННИ "СИСТЕМАТИК ҚИЙНОҚЛАР" УЧУН ТАНҚИД ҚИЛДИ

ҳукуматини ҳар бир қийноқ ҳолати борасидаги даъволар юзасидан обдон тергов ўтказиб, айбдорларни жазолашга чақирди.


Ўзбекистон расмийлари эса мамлакат қамоқхоналарида қийноқлар систематик тус олгани ҳақидаги даъволарни рад этиб келишади.

Ўтган ой охирида Женевада бўлган муҳокамаларда Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари миллий маркази директори Акмал Саидов ўз мамлакатда қийноқлар систематик тус олгани ҳақидаги хабарларни рад этиш-

Ўзбекистонлик фаоллар эса мамлакатдаги режим сиёсий муҳолифлари овозини ўчириш мақсадида қийноқлардан фойдаланишини айтишади.

2003 йилда Ўзбекистон қамоқхоналаридаги вазият билан танишқан БМТ Тео Ван Бовен ҳам у ерда қийноқлар систематик, деб атаган ва маҳбусларга нисбатан қийноқ қўлланилаётгани учун президент Ислам Каримов жавобгарликка тортилиши керак, дея баёнот берган эди.

ozodlik.org



«Масаланинг «мен буни уддалай оламан» деб қуйилиши мусбат натижа билан, » уддалай олмайман» деб қуйилиши эса натижасиз тугайди».

Бу француз файласуфи Жан Пол Сартр фалсафаси. Менга жуда ёқад шу фалсафа. Шу пайтгача бу фалсафага амал қилиб кам бўлмадим.

Пединститутни битиргандан расом чиқмайди деди менга Жавлон Умарбеков деган расомлар идорасини каттаси.

Мен бу гапга парво қилмадим. Сал ўтмай, Москвадаги мунаққидлар мени, олис ёбондаги 21 ёш йигитни СССРни тамсил қиладиган 20 расом қаторига киритди. Бу рўйхат Репиндан бошланиб, мен билан тугаган эди.

Хали СССР оёқда турган 1989 йилда мен Урганчдаги «Спартак» стадионида илк сиёсий митингни ташкил қилган эдим.

Бу митинг Ўзбекистон мустақиллиги талаб қилинган илк тадбир эди.

26 ёшда эдим ўшанда. Урганч хокими Рустам Султон менга қараб сени пешанангдан отишади деганда, «қани, от, мана пешонам», дедим.

Рустам Султон мен билан савдолашиб митингни бекор қилсанг навбатсиз «жигули» олишга қоғоз бераман, деди. Қоғозингни кетингга тик, деган эдим унга. (Йилар ўтиб бу кўрслигим учун Рустам акадан узр сўрайман.)

Пировардида, мени истаганим бўлди. Митинг ўтказдик. Бу ҳаракатимг самараси эса вилоятда Каримовнинг Муҳаммад Солиҳга ютказгани бўлди. Ютказганда ҳам шармандаларча ютқазди.

Мен — Худонинг кўмаги билан — телевидение очдим.

Вилоятнинг 90 фоизи бу телеканални томоша қилади деб, хокимият СНБга ҳисобот берди.

Бу ҳисоботда телеканалнинг СНБ ва МВД билан ҳамкорлик қилмаслиги ва фақат салбий фактларни ёритиш айтилди. Бу ҳужжатда ёзилишича телеканал президент қарорларини мунтазам танқид қилган.

Бу ҳисобот менинг ютуғим ҳақида ҳужжат эди.

Ҳар доим бирор иш бошлар эканман Жан Пол Сартрни гапини эслайман. Мен шу ишни албатта қила олман дейман.

Хўш, ҳозир нима истайсан деб сўрасалар аниқ айтадиган орзум бор.

Мен худди Сингапур ва Грузияда

САРТР ВА САРТ

Ўзбекистоннинг, ҳеч бўлмаганда, бир вилояти «Каримовни сайламанман» деб мактана олади.

Бу сайловга бош бўлганимда ҳам албатта ғалаба қозонаман, деб бошимга бўрк кийган эдим. Оллоҳ соясида ғалабани қозондим, алоҳида олинган бир вилоятда. Рассомдан журналист чиқмайди деди Холида деган муҳаррир. Ҳар ҳолда, чиқди шекилли. Ҳатто журналистика соҳасида халқаро мукофот ҳам олдим. «Телевидения очаман» деганимда Турк лицейидаги муаллимлар бош чайкашди. «Туркияда пораси бир миллиард доллардан ошганлар телевидение очади», дейишди

бўлгани каби самарали ислохотнинг Ўзбекистонда амалга ошишини истайман. Худди Грузиядаги каби барча милиция ходимлари бир кунда ишдан бўшатилишини истайман.

Ўзбекистонда демократик система курилишини ва бу системанинг самарали ишлашини кўришни истайман. Агар ҳозир «мен буни қила олмайман», «Буни кўриш насиб қилмайди» десам худди шундай бўлади. Лекин «Мен буни қила оламан.» Буни кўриш албата менга насиб қилади» десам худди шундай бўлади. Яратган ниятимизга кўра бизга амал беради.

Шухрат Бобожон



компютерда ишлашни билар эди.

Кейин бу оғамиз Эрк газетасини чиқаришда асосий фигуралардан бири бўлди. 1994 йили Муҳаммад Бекжон билан Истанбулда учрашувдим. Кейин бошқа кўришмадим.

Муҳаммад Бекжон 1999 йил февралда Тошкент-

«Эрк» рўзномасининг бош муҳаррири бўлган Муҳаммад Бекжон ўзбек муҳолифати лидери Муҳаммад Солиҳнинг укаси-дир.

59 ёшли сиёсий маҳбусга берилган муддат 2012 йил февралда ниҳоясига етиши ва озодликка чиқарилиши кутилган, аммо қамоқхона маъмуриятига

«ЧЕГАРА БИЛМАС МУХБИРЛАР»

Париждаги «Чегара билмас мухбирлар» ташкилоти ўзининг йиллик мукофотини 15 йилдан буён қамоқда сақланаётган ўзбекистонлик журналист Муҳаммад Бекжонга бериш тўғрисида қарор қабул қилди.

Муҳаммад Бекжонни илк марта 1989 йилда «Бирлик» йиғилишларида кўрувдим.

Бизлардан фарқли тарзда, Муҳаммад Бекжон ўша пайтда

да содир этилган портлашларга алоқадорликда айбланиб, Киевда ҳибсга олинган ва Ўзбекистонга экстрадиция қилинган эди.

Муҳаммад Бекжон маҳкамада портлашларга алоқадорлик ҳақидаги айбларни қатъиян рад этган ва қийноққа солинганини айтган.

Бироқ, унга 15 йиллик қамоқ жазоси берилган.

бўйсунмасликда айбланиб, унга берилган жазо 5 йилга узайтирилган.

Албатта, унга тухмат қилган қори акалар кейинроқ тавба қилиб, зиндонлар ичида оламдан ўтишиб кетишдилар. Муҳаммад оға эса тутқунликда бўлса ҳам тирик.

Тирик бўлганингиз учун шукр. Мукофот муборак..

Шухрат Бобожон



**Тўпловчи ва таржимон
Муҳаммад Солих
Ўқувчига**

Бисмиллаҳир роҳманир-роҳийм.

Ватанимиз Туркистон минг йил давомида энг кучли дин олимларининг ватани, авлиёлар диёри бўлиб келди. То Рус истилосига қадар (1862 йил) бу азиз тупроқ ислом динининг Осиёдаги меҳроби эди.

Чор Русияси ва ундан кейин келган Совет Русиясининг 135 йиллик мустамлака сиёсати Туркистон халқини миллий ва диний кадриятларидан узоклаштириб, уни шуурсиз бир аҳолига айлантириш стратегиясига асосланган эди.

Бу жабҳада мустамлакачилар анча-мунча иш қилган бўлсалар-да, Яратганнинг тақдири билан халқимиз ўз дини ва миллий урф-одатларини сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

Туркистон маърифатпарварлари гизли ва ошкор, ёзма ва оғзаки шаклда Дин ва Миллат Тарихини баҳоликудрат етказишга уриндилар, бу йўлда риёзат чекдилар, шаҳид бўлдилар.

Сизга тақдим этаётганимиз ушбу “Пайғамбарлар тарихи” ўша маърифий ҳаракатнинг давомидир.

Ўзбек тилида пайғамбарлар ҳақида эълон қилинган энг муфассал асар Рабғузийнинг «Қиссасул Анбиё» асаридир.

Рабғузийнинг асл исми Бурхониддин Қоди Носир булиб, «Рабғузий» тахаллуси у мансуб бўлган Рибати Оғуз кишлоғининг номидир.

Муаллиф ўзининг «Қиссасул Анбиё» асарини 1310 йилда амир Насриддин Туқ Буғонинг буйруғи билан ёзган.

Китоб, асосан, Қуръони Каримда исми зикр этилган пайғамбарлар ҳақида билги беради. Китобдаги

Арабча ва Туркча манзумаларнинг ояти карима ва хадисларга боғлиқ равишда изоҳланиши муаллифнинг диний билими анча кенг бўлганлиги ва Араб тили ва бу тилдаги адабиётни яхши билганлигидан дарак беради.

“Қиссасул анбиё»ни ҳисобга олмаганда, бугунгача ўзбек тилида (нафақат ўзбек тилида, қозок, қирғиз, туркман тилларида ҳам) пайғамбарлар ҳақида ҳеч бир жиддий тадқиқот эълон қилингани йўқ.

Сизга тақдим этилаётган ушбу «Пайғамбарлар тарихи» бу бўшлиқини тўлдириш учун қилинаётган илк уринишидир.

Қўлингиздаги бу китоб турли асрларда яшаб ўтган дин олимларининг асарларидаги қийматли ҳужжатлар асосида тузилиб, Туркия Туркчасида нашр этилган адабиётларнинг муҳтасар шаклдаги таржимаси дейиш мумкин.

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (1)

Бу китобнинг асосини ташкил қилган материаллар олим Мустафо Осим Кўксол нашр этган «Ҳазрати Муҳаммад а.с. ва Исломият» ва «Пайғамбарлар тарихи» мажмуаларидир.

Китоб шу учта тамойилга асосланди:

1. Китобда ҳақларида билги берилган пайғамбарларнинг ҳаммаси Қуръони Каримда исми зикр этилган пайғамбарлардир.

2. Китобдаги билгилар Қуръони Карим оятлари, Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламнинг хадислари, Асҳоб ва Тобииннинг гувоҳликлари ва Ислом динининг оламшумул сиймоларининг асарлари билан собитдир.

3. Бу китобда фақат тарихий фактлар гапиради, биздан ҳеч бир илова йўқ.

Китобнинг мусулмонлар учун хайирли бўлишини Аллоҳдан ниёз этамиз.

Тузувчи ва таржимон Муҳаммад Солих

БИСМИЛЛАХИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

Одам алайҳиссалом

Одам алайҳиссаломнинг ярати-лиши

Аллоҳу Таоло Одам алайҳиссаломни яратишни ният қилганда (1), ер қуррасига, “Мен сендан бир халқ яратмоқчиман, улардан Менга итоат қилганлар ҳам, итоат қилмаганлар ҳам бўлажак, итоат қилганларни Жаннатга, исён этганларни эса Жаҳаннамга қўяман”,

дея ваҳий этди. Кейин (2) Жаброил алайҳиссаломни “Ердан (3) бир ҳовуч тупроқ ва балчик (4) олиб кел”, деб юборди.

Ер Жаброил алайҳиссаломга:

-Мендан бир парча олиб, мени камайтиришингдан, мени ярамас ҳолга келтиришингдан

Аллоҳга сиғинаман, мен буни истамасман, чунки

Аллоҳ мендан бир халқ яратажак, бу халқ Аллоҳга осий бўлажак, Аллоҳ улар туфайли мени жазолантиради, -деди (6).

Шундай қилиб, Жаброил алайҳиссалом ердан ҳеч нарса олмай (7) орқасига қайтди:

-Е Робб, ер сенга сиғинди, унга (8) тазйик қилиб, мажбурлашни уйғун кўрмадим, -деди (9) у.

Аллоҳу Таоло ундан кейин Микоил алайҳиссаломни ерга жўнатди (10).

Ер унга ҳам Жаброил алайҳиссаломга айтганини такрорлади (11). Ва унинг қиладиган ишдан ҳам Аллоҳга сиғинди (12).

Ер ўзидан бирор нарса олинишини истамай, Аллоҳга сиғингандан кейин (13) Микоил алайҳиссалом ҳам ундан ҳеч нарса олмасдан (14) Аллоҳу Таолога Жаброил алайҳиссаломнинг деганини такрорлади.

Шунда Аллоҳу Таоло Ерга ўлим малагини юборди (15). Ер яна ўзидан олинажак нарсадан (16) Аллоҳга сиғинди (17). Аммо ўлим малаги:

-Аллоҳнинг амрини бажармасдан орқамга қайтишдан мен ҳам Аллоҳга сиғинаман, -деди (18). Ва ер юзидан олажагини олди. Аммо бир жойдан олмади (19).

Қизил, оқ ва қора тупроқдан олиб (20), уларни қориштирди (21). Шундай қилиб, ер юзидан олинган тупроқдан яратилгани учун Одам алайҳиссаломга “Одам” исми берилди (22).

Аллоҳу Таоло Одам алайҳиссаломни ярата бошлаганда малаклар (23): “Аллоҳ, эй олий Роббимиз, борсан, истаганингни яратасан (25)”, -дедилар. “Аллоҳ биздан ҳам билимдон, ва Ўзининг наздида биздан ҳам шарафлироқ бир халқ яратмас (26), биз у яратилажакдан муҳаққак билгили ва шарафлироқмиз (27)”, -деб ўзаро гизли гаплашдилар. (Табарий “Тарих,” 1-жилд, 51-саҳифа).

Аллоҳу Таоло Одам алайҳиссаломнинг баданини жаннатда яратиб, бир муддат ўз ҳолига

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

колдирган эди, унинг атрофида Иблис айлана бошлади ва Одам вужудининг ичи бўш, ўзини бошқара олмайдиган ҳолда кўриб (28), “Мен буни осонликча енгиб, унга устун кела оламан”, -деди. (Ҳакам “Мустадрок,” 2-жилд 54-с).

Малаклар Одам алайҳиссаломнинг жаннатда турган руҳсиз жасадини кўриб кўрқдилар. Энг қаттиқ кўрққан Иблис (Шайтон) эди.

Иблис жасаднинг ёнида, “Сен муҳаққак буюк иш учун яратилгандирсан”, -дер эди (29). Ва оёғи билан жасадни уриб кўрарди, жасад бир тулука каби овоз чиқарарди.

“Ҳар ҳолда, сен бир кўза каби овоз чиқариш учун яратилмаганинг аниқ, муҳаққак, яратилганинг мақсад учун яратилгансан (30), агар мен сенга мусаллот қилинадиган бўлсам, сени албатта ҳалок этаман, агар сен менга мусаллот этиладиган бўлсанг, сенга исён қиламан” (31), -дер эди у.

Иблис малаклардан:

-Бу (Одам) сизга устун қўйилса, сизлар нима қиласизлар, -деб сўради. Малаклар:

-Биз Роббимизга итоат қиламиз, -деб жавоб беришди.

Иблис эса ичида, “Валлоҳи, бу агар менга устун қўйилса, исён қиламан”, деди (32).

Аллоҳ Таоло Одам алайҳиссаломга ўз руҳидан уфурди. Руҳ жасаднинг бош тарафидан кирди ва жасаднинг ҳар ерида руҳнинг асари ва қон пайдо бўлди.

Одам алайҳиссалом аксирди, малаклар унга:

“Алҳамдулиллоҳ” дегин, -деб ўргатишди.

Одам алайҳиссалом: “Алҳамдулиллоҳ”, деди (33).

Бошқа бир ривоятга кўра, Одам алайҳиссалом аксирганда ҳамд айтишни унга Аллоҳу Таоло илҳом этган (34).

Ва Одам алайҳиссалом ҳам Роббига ҳамд айтди (35):

-Алҳамдулиллаҳи, Роббил оламин!, -деди (36). Аллоҳ Таоло ҳам унга:

-Роббинг сенга раҳмат этсин, -деди (37). Аллоҳ Таоло:

-Эй Одам! Мен -кимман?, -деб сўради. Одам алайҳиссалом:

-Сен -сендан бошқа илоҳ бўлмаган Аллоҳсан, -деб жавоб берди. Аллоҳ Таоло:

-Тўғри сўйладинг, -деди (38).

Одам алайҳиссалом яратилган ва Жаннатга қўйилган кун

Одам алайҳиссалом яратилган (39) ва Жаннатга қўйилган (40) кун Жумъа кунни эди (41).

Малоикаларнинг Одам алайҳиссаломга Сажда қилиб, Иблиснинг буни рад қилиши

Аллоҳу Таоло малоикаларга Одам алайҳиссаломга сажда қилишни амр этди. Малоикаларнинг ҳаммаси дарҳол саждага йиқилдилар.

Иблис эса сажда қилишни истамади. Унинг нафси унга кибр ва ғурур талқин этди ва гердайиб:

-Мен унга сажда қилмайман, ундан ёшим катта, ундан кучли яратилдим, мен оташдан, у эса балчиқдан яратилди, -деди у. Бу билан у “оташ тупроқдан кучли” демокчи бўлди (42).

Иблис яна:

-Мен ер юзида халифалик вазифасида ишлаганман. Мен қанотлиман, нур сийнали ва каромат тожлиман.

Мен Сенинг ерингда ва осмонингда Сенга ибодат қилганман” -деди (43).

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (1)

Иблиснинг асли, яхши ва ёмон одати

Иблис жин тоифасидан эди (44). Самода, малоикалар ёнида Аллоҳга шу қадар куюқ ибодат қилардики, ҳеч ким унинг қадар ибодат қилолмаганди.

Аммо Одам алайҳиссалом яратилишигача қилган бу ибодатлари (45) ундаги кибр ғурур ва ҳасад туйғуларини йўқ қила олмади (46).

Аллоҳу Таолонинг Одам алайҳиссаломга ва унинг наслдан келажак набилар, расулларга бахш этилган шарафга ҳасад қилди (47).

Одам алайҳиссаломнинг балчиқдан, ўзининг эса оташдан яратилганига қараб, “мен ундан хайрлиман (48), бир балчиқдан яратганинг кишига сажда этаманми” деб, (кофирлигини фош қилди) (49). Одам алайҳиссаломга сажда этмади.

Аллоҳу Таоло ҳам бу исёни учун уни ҳар қандай хайрдан умидини кесган, тошбўрон қилинган Шайтонга айлантирди (51).

Одам алайҳиссаломнинг билим ва каромат бўйича малаклардан устунлигининг намоиши

Аллоҳу Таоло малакларни Одам алайҳиссаломга сажда эттиргандан сўнг, унга ҳамма нарсани ўргатди. Зурриётдан келадиган инсонлардан тортиб, бутун жониворлар ва малакларнинг исмигача битта-битта ўргатди.

Бу ҳақда малаклардан сўраб, уларнинг ожизлигини эътироф қилдиргандан кейин, Одам

алайҳиссаломга амр этди, у ҳам исмларни малакларга битта-битта билдирди (52).

Шундай қилиб, Одам алайҳиссалом билим ва каромат бўйича малаклардан устунлиги кўрсатилди.

Малаклар ҳам бу хусусда хуфя сўйлаган гаплари учун тавба қилишди (53).

Инсоният тарихида илк саломлашув

Аллоҳу Таоло Одам алайҳиссаломга:

-Энди ўша малаклар жамоатига бор ва уларга (54) “ассалому алайкум” (55) деб салом бер (56), сенинг саломингни қандай қаршилар экан (57).

Қара, (58) айтганларига яхшилаб кулоқ сол (59), чунки бу саломлашув сенинг зурриётинг саломлашувидир, -деб буюрди (60).

Одам алайҳиссалом малаклар ёнига бориб:

-Ассалому алайкум, -деди. Малаклар унга:

-Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ (61) ёки “валайкумуссалому ва раҳматуллоҳ”, -дейишди (62).

Яъни саломларига “раҳматуллоҳ” сўзини кўшдилар.

Ҳазрати Ҳаввонинг яратилиши

Одам алайҳиссалом Жаннатда (64) ўтириб суҳбатлашадиган бир кимса (65) ва у билан хузур топадиган бир завжа (66) топа олмай, танҳо кезиб юрганида (67), Аллоҳу Таоло унга уйку берди (68). У ухлаб қолди (69). Аллоҳу Таоло оғритмасдан унинг чап қобирғаларидан биттасини олиб, ўрнини пай билан тўлдирди (70). Ва Одам алайҳиссалом уйғонмасдан бу қобирғадан Ҳазрати Ҳаввони яратди (71).

Одам алайҳиссалом уйғонганида (72) унинг боши устида бир хотиннинг ўтирганини кўрди (73).

-Бир хотин? -деди Одам алайҳиссалом (74) ва хотинга қараб:

-Сен нимасан? (75), Сен кимсан? -деб сўради. Ҳазрати Ҳавво:

-Мен бир хотинман, -деди. Одам алайҳиссалом:

-Сен не учун яратилдинг? -деб сўради. Ҳазрати Ҳавво:

-Сен мен билан сукунатга эришсан, деб яратилдим, -деди (76).

Малаклар Одам алайҳиссаломнинг билими даражасини билмоқ учун (77) унга Ҳазрати Ҳавво ҳақида:

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: *Боши олдинги саҳифада*)

-Бу надир? -деб сўрашди.
-Бу -бир хотин, -деди Одам алайҳиссалом (78).
-Унинг исми надир? -деб сўрашди малаклар.
-Хавво, -деди Одам алайҳиссалом (79). -Тўғри айтдинг, -дейишди малаклар (80) ва яна:
-Нимага Хавво исми берилди? -деб сўрашди.
Одам алайҳиссалом:
-Жонли борликдан яратилгани учун, -деб жавоб берди (79).
-У нима учун яратилди? -деб сўрашди яна.
-У мен билан, мен эса у билан сукунатга эришмоғимиз учун яратилди, -деди (83) Одам алайҳиссалом.
Аллоҳу Таоло шу тарзда Ҳазрати Хаввони Одам алайҳиссаломга эш айлади -жуфт қилди (84).

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (1)

Илк жуфти ҳалолнинг жаннатдаги турмуши ва Иблиснинг уларга курган тузоғи

Аллоҳу Таоло Одам алайҳиссалом ва Ҳазрати Хаввога Жаннатнинг бутун мевалари ва неъматларидан истаганча ейишига изн бериб, фақат битта дарахтга яқинлашмасликларини буюрди (85).

Яна Иблиснинг уларга душманлигини билдириб, “эҳтиёт бўлинглар, у сизларни Жаннатдан чиқаришга сабаб бўлмасин”, деди (86).

Одам алайҳиссалом ва Ҳазрати Хавво учун у таъқиқланган дарахт бир имтихон бўлиб, аслида, иккалови ва улардан дунёга келажак бўлган зурриётлар ҳақида бир илоҳий ҳукм эди (87).

Иблис Одам алайҳиссалом ва Ҳазрати Хаввони тузоққа тушириш учун ишни йиғлашдан бошлади (88). Шундай йиғладики, эр-хотин хузун ичида қолди.

Одам алайҳиссалом ва Ҳазрати Хавво Иблисдан (89):

-Сен нимага йиғлаяпсан?, -деб сўрашди (90).

-Сизларнинг ўлишингизни ўйлаб йиғлаяпман. Ўлиб, бу неъматлардан (91) айрилишингизга йиғлаяпман, -деб жавоб берди Иблис.

Унинг бу сўзи эр-хотиннинг қалбларига шубҳа солди. Бундан кейин Иблис уларнинг ёнига яна келди (93).

Уларни яхшилик истаётганига қасам ичиб, алдади.

Аллоҳу Таоло таъқиқланган ўша дарахт мевасидан едириб, уларнинг адаб жойларининг очилишига ва

уларнинг Жаннатдан қувилишига сабабчи бўлди (94).

Одам алайҳиссалом таъқиқланган мевани ейишдан ўзини тийган бўлса ҳам, Ҳазрати Хавво бу мевадан еб, унга, “эй Одам, сен ҳам е, мен едим, менга зарар бермади”, -деди. (Табарий “Тарих,” 1-жилд, 53-б).

Одам алайҳиссалом ўзининг аврат жойини аввал кўрмаганди (95).

Жаннатда аврат жойи очилган онда, бирдан қоча бошлади (96). Ва бир дарахт шохларига илиниб, тўхтади (97).

-Қўйвор мени, -деди у дарахтга.
-Сени қўйиб юборувчи эмасман, -деди дарахт (98).

Шунда Аллоҳу Таоло:
-Эй Одам, мендан қочяпсанми? -дея овоз берди (99).

-Қочаётганим йўқ, ё Роббим (100),

мен сендан уяляпман! -деди (101)
Одам алайҳиссалом.

Жаннатдан ерга тушиши
Аллоҳу Таоло Одам алайҳиссаломга:

-Сенга Жаннатда ҳалол қилган мўл-кўл неъматлар етмадимики, ҳаром этган нарсамдан тотиб кўрдинг? -деди.

-Ё Роббим, шундай бўлди. Фақат Сенинг Иззат сифатингга ямин этманки, мен ҳеч бир махлуқнинг сенинг номинг билан қасам ичиб, ёлғон сўйлашини ўйламагандим, -деди Одам алайҳиссалом.

У бу билан Шайтоннинг қасам ичиб, алдаганини айтмоқчи бўлди.

Аллоҳу Таоло:
-Иззат шарафимга ямин этманки, сени муҳаққак ерга индираман. У ерда ҳаётингни захмат ва машаққатла ўтказажаксан, -деди.

Ва улар истаганини еб-ичиб, кийиниб юрган Жаннатдан истаганни еб-ичиб, кийина олмайдиган ерга индирилдилар (102).

Одам алайҳиссалом Жаннатдан Жумъа куни чиқарилиб, ерга индирилди (103).

Одам алайҳиссалом (Наким. “Мустадрок”. 2-жилд, 542-бет) Ҳиндистоннинг Мавз ва ёки Вавз тоғига (104), Ҳазрати Хавво эса Жиддага индирилди (105).

Одам алайҳиссалом индирилган тоғнинг Ҳиндистондаги Сарандип жазирасида (106) экани ва у ерда Вавз (Мавз) тоғи борлиги ҳақида ҳам ёзилган (107).

Аллоҳу Таоло Одам алайҳиссаломни Жаннатдан чиқарар экан, унга жаннат меваларидан

озик эҳсон этди ва унга ҳар хил хуналарни ўргатди (108).

Одам алайҳиссаломга босқон, чўкич, карпат ва кулунк каби асбоблар (109) билан қизил тукли бир хўкиз ҳам эҳсон қилинганди (110).

Одам алайҳиссалом дехқон бўлди (111). Унга экин экиш амр қилинди.

Одам алайҳиссалом ерни манглай терини арта-арта сурди.

Кейин экин экди.
Сўнгра суғорди. Ўриш пайти келди, ўрди.

Сўнгра дўванда туйди.
Шамолда созуриб, буғдой доналарини сомонидан ажратди.

Сўнгра буғдой доналарини ўгитиб, ун қилди.

Унни йўғириб, ҳамир қилди, ундан емак (нон) пиширди.

Бу эмакни Аллоҳнинг буйруғи келмагунча ҳеч ютолмади (112).

Одам алайҳиссаломга темирчилик санъати ҳам ўргатилди (113).

У темирдан ясаган ва қўллаган илк асбоб пичоқ эди (114).

Одам алайҳиссаломнинг уч нарсасдан биттасини танлаб, қолган учтасига ҳам эга бўлиши

Жаброил алайҳиссалом Одам алайҳиссаломнинг ёнига келиб:

-Сенга уч нарса келтирдим, бирини танла!, -деди.

-Недир булар?, -деб сўради Одам алайҳиссалом.

-Ақл, ҳаё, дин, -деди Жаброил алайҳиссалом.

-Ақлни танладим, -деди Одам алайҳиссалом.

Шунда Жаброил алайҳиссалом Ҳаё ва Динга:

-Одам Ақлни сизга таржих этди, энди сизлар кетаверинглар, -деди.

Улар:

-Биз Ақл қаерда бўлса, ўша ерда бўлишга амр олдик, -дейишди ва Ақлдан айрилмадилар (115).

Одам алайҳиссаломнинг Жаннатда қолган муддати

Одам алайҳиссалом Жаннатда аср пайти билан куёш ботиши орасидаги вақт (116) қадар ва ёки кундуздан бир соатча Жаннатда қолди.

Бу дунё вақти билан ҳисоблаганда бир юз ўттиз йилга тенгдир (117).

Йиғи, ёлвориш ва авф қилиниш

Одам алайҳиссалом билан Ҳазрати Хавво йўқотган неъматлари учун икки юз йил йиғладилар (117).

Дейдиларки, агар бутун ер аҳли йиғласа, Довуд алайҳиссаломнинг тўккан ёшлари қадар кўз ёш тўқолмас эди.

(Давоми келгуси сонда)

Лекин, кутилганидек кийинчилик чикмади, ўқувчи бу шеърятни қабул қилиш учун тай-ёрлигини ҳаялламай кўрсатди.

Янги шеърят тезда оммавийлашди.”

Маъёз ва истиораларга ўралган метафорик асарлар соф санъат андишаси билангина эмас, балки, кўпроқ сиёсий тазйиқлар сабабли туғулгандир.

Ўзбекистонда Абдулла Орифов, Эркин Воҳидов, Рауф Парфи, Омон Матчон, Миразиз Аъзам, Чўлпон Эргаш каби шоирлар билан 1970 йилларида Муҳаммад Солиҳ ҳам шундай асарлар риёд этди.

Минг ярим йил бери

Шоҳ Искандардан,

Кўк хйн Аттиллодан ўн аср йироқ

Ўн уч аср кейин Юлий Қайсардан,

Махмуд Ғазнавийдан

уч юз йил берақ,

Аммо Бонапартдан

тўрт юз йил нари

Яна ҳам нарироқ Орий Буқадан ...

Инқилобдан олти аср илгари

Демак олти юз йил

биздан муқаддам,

Чунки у Бобурга яқин жуда ҳам,

Эхтимол, етмиш йил,

етмиш ҳам чиқмас

Улўбекка эса жуда ҳам яқин,

Сарой бўсағасин ҳатлаб

ўтсанг бас!

ли шеърларда мазах қилади. “Ёлғон сўйласанг, тилинга чипқон чиксин” деган ўзбекча иборани асос қилиб ёзган “Иждий йўл” шеърда режимга хизмат бўлсин дея ёлғон сўйлаган шоирларнинг Оллоҳ тарафидан жазоланажанини сўйлайди.

“Зинапоя” шеърда эса бундай шоирларнинг ижод жараёнини тасвирлайди: шоир зехнида бир ўткир фикр пайдо бўлиб, аввал “Тўқнашув” деган сўзни ёзади. Лекин бу кучли сўзнинг ҳосил қилиш мумкин бўлган таҳликадан қўқиб, уни юмшатиб, “Юзма-юз” дея ўзгартиради..

Сал кейинроқ бундан ҳам воз кечиб “Учрашув” деб ёзади. Ниҳоят “Висол” сўзини танлайди. Шундай

МУҲАММАД СОЛИҲ ШЕЪРИЯТИ

Бу асарларда кўзда тутилган ғояни бир қарашда илғаб олиш осон иш эмас. “Кечиккан баҳор”, “Қиличлар уйкуга кетганда”, “Дарахт шоир бўлса”, “Фол”, “Кечикканлар”, “Бу ерда” ва “Қувонч” каби шеърлар Муҳаммад Солиҳнинг ўша тарзда ёзган асарларидир.

Масалан, 1975 йилда ёзган “Кечиккан баҳор” шеърда шундай мисралар бор:

Ҳеч ким шеър ёзмайди бугун,

Новданинг бўғзида

қолди куртаклар.

Юраклар – кўкракда

вазсиз тугун,

Булут кўр қуёшни юрар етаклаб.

Дарахтлар бир-бирига тикилган,

Ҳайрон бир-бирининг ҳолига,

Гуё меҳмонлардай узоқдан келган

Ва ҳеч ким

чиқмаган истиқболга!..

Шоир - шеър, новда – япроқ

Турна қанотини ёзмайди нега?

Наҳот ҳайрлашиб қиш билан энди

Бирор бир фасл йўқ

“салом” дейишга?..

Етар, бас,

кутмаймиз энди ўртоқлар,

Шоир шеърингни ёз,

ёзил эй тугун!

Новданинг боғзидан

чиқинг куртаклар,

Бугунги созингиз айтингиз бугун!

Бизга фасл керак, фарқи йўқ бизга

Ҳаттоки бешинчи

фасл бўлса ҳам!

Табиатдаги бутун борлиқларни музлатган аёз таъриф этилгандай гўё.

Ҳолбуки, шоир 1970-йилларнинг турғунлигини, зерикарлигини, тузумнинг одамлар ҳаётидаги залворини тасвирламоқдадир.

У янги бир ҳаётни бир иштиёқ билан кутаётганини билдирмоқдадир.

1985 йилда ёзилган “Фол” шеърига келайлик:

Бу ерда шоир бир-бири билан ҳеч алоқаси бўлмаган тарихий шахслар ва воқеаларни зикр этиб, ўқувчи диққатини бошқа (шеърда тилга олишмаган) бир шахсга тортмоқ истайди. Лекин унинг исмини топишни ўқувчига ҳавола қилади. Чунки 1985 йилда Амир Темур ҳақида очик сўйламак унча ҳам мумкин эмасди.

Илк боқишда ҳатто мазмунсиз кўринган, аслида сиёсий ва ижтимоий маъно ташиган бу тарз асарларга ўзбеклар “фалсафий шеър” номини беришади. Муҳаммад Солиҳнинг шеърлари шу гуруҳга қиради. Унинг 1988 йилда ёзган “Хавфли майдон” номи мақоласида шоир ва ёзувчиларнинг 1970 йилларда қандай шароитда исён қилганини шундай изоҳ этади: “Ўзбек ёзувчилари ўз сўзларига қат-қат либос кийдирди. Кейинги ўн йилда сўз теграсида қурилган бу иншоат шу қадар қалинлашдики, унинг (шеърнинг) овози эшитилмай қолди. Биз шундай ҳимояландик-ки, ҳатто кимдан ҳимояланаётганимизни унутдик. “Зийрак кишилар”дан хавфсираб, ўзимиз ҳам зийрак бўлиб қолдик.

Ҳар бир сўзимизни ҳақиқат эмас, эхтиёткорлик тарозусида ўлчадик.

- Шунга эхтиёй бормиди?

- Ҳа, бор эди. Чиройли шиорларни қалқон қилиб, ҳужумга ташланувчи одамлар бор эди. Бир самимий жумла айтсанг, сен ғоясизга айланиб қолишиг ҳеч гап эмасди. Беғубор кулгу эса “таҳқирлаш” деб тушуниларди.

Шу сабабли аввал ёзувчилар нима гапиришни билишарди. Яъни нима мумкин, нима мумкин эмаслигини билишарди”. Муҳаммад Солиҳ Совет идеологиясига хизмат қилган шеърлар ёзмади. Аксинча ёзишга рози бўлган шоирларни “Ижодий йўл”, “Зинапоя”, “Қафасдаги сичқон” ном-

қилиб, шоир худди зинапоядан тушуб келган каби “Висол” гача тушадди, тушган сари унинг шиддати озайиб боради:

Чақмоқдай “ялт” этди янги

бир фикр,

Шиддат тикан гулдай барқ урди.

Ўрнидан турди,

Ёришди ним қоронғу тафаккур.

“ТЎҚНАШУВ” деб ёзди қозоғза!

Ўйлаш мумкин эмас эди,

Афсус ўйланди –

Устидан чизилди “ТЎҚНАШУВ”,

Ёнига ёзилди “ЮЗМА-ЮЗ”.

Ўйлаш ўлим билан барабар эди,

Лекин у қорқмади,

“ЮЗМА-ЮЗ”нинг ҳам

“УЧРАШУВ”, деб қўйди ёнига.

Энди ўйлаш ўлим деган гап эмас.

Энди у мутлақо хотиржам –

Бир-бир босиб, ҳиромон юриб,

“УЧРАШУВ” “ВИСОЛ”нинг

ёнига келди.

Шоирнинг у юксакликдан инишининг сабаби - кўркувдир. Муҳаммад Солиҳ баъзи шоирларнинг (ижоди) бошида мард шеърлар ёзиб, кейин кўрканидан юмшоқ шеърларга ўтганини билдирмоқдадир.

“Қафасдаги сичқон” шеъри ҳам аввал миллий шеърлари билан танилган, кейин таҳдид қаршисида бечора ахволга тушганлигини тасвирланади. Улар авваллари миллий шеърлари билан миллатни уйғотардилар, энди эса мушукдан кўрқан сичқонга айланганлар:

Қафасдаги мана шу сичқон.

Бир пайтлар булбул эди.

Бир пайтлар пириллаб учар эди у,

Ҳозир - ўрмалар.

Илгари овчидан кўрқарди шўрлик,

Энди - мушукдан.

Бизни уйғотарди бир пайтлар

Тонг чоғи чах-чахлаб,

Мана шу сичқон.

Давоми келгуси сонда

ЗЕҲН (ОНГ) НАЗОРАТИ

(Давоми. Боши ўтган сонда)

А м м о
Қ о т и л н и н г
мудҳиш бир ҳид
олиш истеъдо-
ди бор. Филь-
мнинг сўнги
с а х н а л а р и
ниҳоятда маъно-
дор: Қотилнинг
бошини кун-
дага қўйишдан
олдин, унинг
сўнги истаги-
ни сўраганларида, у қўлидаги атир
шишасининг қопқоғини очишни
истайди. Бу кичик атир шисасида
қотил ўлдирган хотинларнинг бада-
нидан олинган феромон қоришими
(ҳидлар) бор эди. Шисанинг қопқоғи
очилганда, хозиргина қотилнинг
ўлимини интизорлик билан кутаёт-
ган оломон қотилни бир фаришта,
бир тангри каби қабул эта бошлайди.

Пайғамбаримиз(с.а.в) «Дажжол-
нинг манглайида «кофир» деган ёзув
бўлади, ўқишни билган ва билмаган
ҳам бунга ўқийди. Шунга қарамай ҳар
ким унга «Роббим» деяжакдир», дея
башорат қилган эди.

Қотил қўлидаги шисадан тарал-
ган ҳид таъсирини кўрар экан, худ-
ди Дажжол каби: бу парфюм билан
«Мен дунёда халқларни ўзига тобе
қилиб, ҳукуматларни қўлга оламан,
Масиҳ эканини айтаман, истасам,
уларнинг ҳаммасини жаҳаннамга
юборишим мумкин», деб ўйлайди.
Аммо бунинг ҳали вақти келмагани-
ни у билади... Қотил қўлидаги шиса
ичидаги парфюмни устига тўқади
ва дор остидан тушиб, оломон ора-
сига юради. Оломон унга ёпишиб,
дахшатли шахват билан қучоқлаб
ўпиб... сўнгра ея бошлайдилар! Ва
биргина Қотил улкан Оломонга ай-
ланиб, дунёда яшашга давом этади.

Пайғамбаримиз саллаллоху
алайҳи вассаллам: «Нима-
ни еб-ичаётганингизга эътибор
қилинг, фарзандларингиз сиз еб-
ичганларингиздан ҳосил бўлади»,
деган эди.

Баданимиз ҳиди - руҳимизнинг
ҳидидир. Ҳид бўлмаса, демак руҳ
ҳам йўқ. Пайғамбаримиз (с.а.в): «Ин-
сон ўлганда, руҳ ҳар бир қил тубидан
чиқади», деган. (Бугун баданидаги
туқларни лазер эпиляцияси восита-
сида йўқ қилиб, руҳга зиён бераётган
хонимлар бунга бир ўйлаб кўрсин).

Яна ҳадис: «Жинсий
яқинлашувдан сўнгра ғул қилинг
(ювининг), токи сув ҳар бир қил ту-
бига тегсин, чунки шахват моддаси

қилларнинг остидан чиқади». (Бу
ҳолда рекомбинат ДНК махсуло-
ти бўлмиш феромонлар, шампун,
суяқ совун ва ҳоказо билан олинган
таҳорат ва ғул нақадар ишончли?)

Баъзи ҳидлар малакларни жазб
этиб, ҳабис (ифлос) руҳларни
узоклаштира, баъзи ҳидлар ҳаб-
ис (ифлос) руҳларни жазб этиб,
малакларни узоклаштиради. (Мас-
жидлар, турбалар, Куръон курсла-
рида фаришталарни жазб этадиган
табиий атир қўлланилаётганими ёки
ҳабис руҳларни чақирадиган синте-
тик «атирлар»ми? Намозлар сунъий
ҳидли жойномозда қилинмаяптими?
Аёлларимизнинг бошлари синтетик
ҳидли рўмол билан ўртилмаганми?
Қўлланаётган тасбиҳингиз Хитойда
ишланиб, синтетик атирга ботирил-
маганми мабодо? Ҳасоллар май-
итларимизни сунъий ҳидли совун
билан ювиб, сунъий мушк сепмаяп-
тими кафанларига?)

Ҳидлар ҳақда 25 ёшлик бир аёл-
нинг хикоясини келтирмоқчиман.
Бадавлат ва гўзал аёл, депрессия ва
ҳолсизликдан шикоят қилди. Ғалати
бир шаклда тишлари худди кум
каби уваланиб, тўкила бошлаганди.
Тадқиқимизда аёлнинг детержан ва
атирларга нисбатан кучли эҳтироси
борлиги маълум бўлди: «Маркетга
ўзим бораман. Уйдаги ёрдамчила-
римнинг қўлланиши керак бўлган
детержанларни шахсан ўзим ҳидлаб-
ҳидлаб танлайман ва танлаб, бунга
оламан, дейман», дея хикоясини
бошлади аёл.

Мен ундан энг севган детержан-
нингиз қайси? деб сўраганимда,
«Мистер Мускул» деб жавоб берди.
«Уни шу қадар ёқтираман-ки, уни ич-
гим келади, аммо ичсам ўлишимни
билганим учун, ундан бурним та-
гига, иягимга ва тилимнинг учига
суртаман ва ҳидлаб тўя олмайман!»,
деди хотин.

Мен ундан «Эрингизни севасиз-
ми?» деб сўрадим. У «Севаман, аммо
ёнимга яқинлашишини истамай-
ман», деди.

Хотиннинг каттиқ боғланиб
қолган нарсаси, аслида, детержан
эмас, балки ундаги ҳидлар - психо-
тропик моддалар, жинсий гормон-
лар, андрогенлар эди.

Бу ғалати хикоянинг турли вер-
сияларини бошқа аёллардан ҳам эши-
тиш мумкин.

Оилаларда ҳузурсизлик ман-
баи бўлган детержан ва парфюмга
боғлиқликнинг оқибати фақат эрига
жинсий лоқайдлик билан чекланмай-

ди. Бу айни пайтда ахлоқий, руҳий ва
ижтимоий муаммодир. Бугун дунёда
ҳидлар воситасида нималар амалга
оширилаётганини тезроқ билишимиз
ва бунга қарши оиламизни, инсон
зотини ҳимоя этиш учун тадбир оли-
шимиз лозим.

1. Титандиоксид (TiO2)

Титандиоксид дунёда энг ёйғин
қўлланилган минералдир ва нанотех-
нологиянинг учта асос моддасидан
биридир. Табиий минерал бўлган
титаниумдиоксид нанотехник ус-
лубда атом шакли ўзгартирилиб,
актив бир нанопарча форматига со-
лингандир. Фотон нури остида тита-
ниумдиоксиднинг органик моҳияти
кимёвий реакция оқибатида пар-
чалана бошлайди. Бу сунъий жа-
раён ўсимликларда яшанган фото-
синтезга ўхшайди. Фотосинтез
- ўсимликларнинг куёш нури остида
- карбондиоксид ва сувдан органик
модданинг ҳосил бўлишидир. Титан-
диоксид бунинг тескарини қилади:
органик моддаларни парчалаб, улар-
ни карбондиоксид ва сувга ажрата-
ди. Бунинг маъноси шу демакдир:
титаниумдиоксид нанопарчалар
ҳар қандай бир органик модда, ҳар
қандай жонли ҳужайрага тегганида,
уларни парчаланишига олиб келади-
ган кимёвий реакцияни бошлаб юбо-
ришга қодир мудҳиш бир хусусиятга
эга!

Бугун Титандиоксид озиқ-овқат
моддаларида, шакарда, муроббода,
сакичда, шакарда, қандда, тузда, кар-
бонатда, сутли ичимликларда, сутда,
сут кукунида, пишлоқда, пишлоқ
сувида, маргаринда, унда, хамирда,
товуқда, гўштда, балиқда, денгиз
махсулотларида, сўя махсулотла-
рида, тиббий дориларда, баданпар-
вариши (крем, атир-упа, парфюм,
косметика) махсулотларида, тиш па-
стасида, детержанларда оқарувчи,
нам тутувчи, бузилишдан сақловчи,
ёки микроб ўлдирувчи сифатида
қўлланилади.

Шунингдек, ҳавони тозалаш
учун ва ёки сув омборлари, дарё
ва кўлларга ичимлик суви олиш
мақсадида титаниумдиоксид нано-
парчалар сепилмоқда.

Ойдин СОЛИХ

«Ҳақиқий тиббиёт» китобидан
(Давоми келгуси сонда)

ERKIN YURT

«Эркин Юрт» интернет-газетаси
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мустақил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.
Масъул муҳаррир
Камолиддин Йўлдош